

## Матонатли юрtdошларимизга Рамазон тухфаси



09:07 / 25.06.2017 4707

Ислom.уз портали Аллоҳ таолонинг тақдирини комил иймон, мустаҳкам сабр-бардош билан қарши олган матонатли биродарларимиз учун ўзига хос Рамазон тухфасини тайёрлади. Бу йилги Ййдул Фитр – Рамазон байрамидан бошлаб порталимиздаги медиамаълумотлар имо-ишоралар тилига таржима қилиб бoрилади. Сурдо-таржима билан тақдим қилинаётган илк видеолавҳамиз Рамазон табриги бўлиши бежиз эмас, зеро, Рамазони шариф – меҳр-мурувват, хайру саховат ойи, кўнгилларни шод қилиш, қалblарга сурур бағишлаш ойдир. Эндиликда матонатли юрtdошларимизнинг илтимосларига биноан порталимиздаги улар истаган барча маълумотлар имкон қадар сурдо таржима қилиб бoрилади.

Аллоҳ таоло хайрли ишларимизни бардавом айласин, матонатли  
юртдошларимизга эса сабр оyi бўлмиш Рамазон шарифнинг ҳурматидан  
беҳисоб ажру савоблар ато этсин!

Бутун дунё мусулмонларига Ийдул Фитр – Рамазон байрами муборак  
бўлсин!